

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.QX.75.01.РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

ТЛЕУМУРАТОВ АКИЛБЕК КАНАЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА БИР ЎРҚАЧЛИ ТУЯЛАРНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 636.01.036. 295. 042.6.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Тлеумуратов Акилбек Каналбаевич

Қорақалпоғистон шароитида бир ўрқачли туяларнинг маҳсулдорлигини
ошириш йўллари..... 5

Тлеумуратов Ақылбек Каналбаевич

Пути повышение продуктивности одногорбых верблюдов в условиях
Каракалпакистана..... 21

Tleumuratov Akilbek Kanalbaevich

The ways of increasing productivity of one humpback camels in the condition of
Karakalpakstan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 43

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.QX.75.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

ТЛЕУМУРАТОВ АКИЛБЕК КАНАЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА БИР ЎРҚАЧЛИ ТУЯЛАРНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx433 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турганбаев Рўзимбай Уразбаевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупов Суратбек Юнусович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ешмуратова Сулухан Тулегеновна
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81) e-mail: uzkarakul30@mail.ru Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (214 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «25» 11 даги 7 -рақамли реестр баённомаси)



Н.А.Бобокулов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

З.С.Кличев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD)

С.Ю.Юсупов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда туячилик билан шуғулланувчи асосий давлатлар қаторига Афғонистон, Намибия, ЖАР (Жанубий Африка Республикаси), Австралия, Аргентина, Манголия давлатлари киради. Ушбу давлатларда маълум даражада туялар маҳсулдорлигини ошириш, наслий хусусиятларини яхшилаш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, туячиликдан олинadиган маҳсулотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиб туячилик маҳсулотларини кўпайтириш ва маҳсулотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш йўналишлари долзарб бўлиб қолмоқда.

МДХ давлатлари ичида бугунги кунда асосан Қозоғистон Республикасида туялар урчитилиб, уларнинг сони 227 минг бошни ташкил қилади¹. Туяларнинг маҳсулдорлигини (сут, гўшт ва жун) ошириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Туяларнинг ирсий ва маҳсулдорлик салоҳиятининг юзага чиқиш хусусиятини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида уларнинг маҳсулдорлигини оширишга эришилган. Туяларнинг маҳсулдорлигини ошириш уларнинг ёши, жинси, конституция типини ҳамда яйлов типларига боғлиқлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида асосан туячилик билан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий Қизилкум худудларида шуғулланади. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида барча тоифадаги хўжаликларда жами туялар сони 5070 бошни ташкил қилади. Туяларнинг маҳсулдорлигини такомиллаштириш ва ирсий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулдор линиялар яратиш, маҳсулдорлигини оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Аммо Қорақалпоғистон Республикасининг туячилик соҳасида туялар селекцияси асосида маҳсулдорлигини ошириш борасидаги илмий асосланган усуллар етарлича эмас. Шу боис, илмий тадқиқотларга асосланган селекция ишларини олиб боришни тақоза этади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида² қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган ва ишлаб чиқаришга интенсив усулларни жорий қилиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ресурстежамкор ва инновацион технологик усуллардан фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар эса жуда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21-декабрдаги №165-И-сон «Наслчилик тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

¹<https://24.kz/ru/news/economy/item/463253>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология, ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туялар маҳсулдорлигини оширишнинг селекцион-технологик жиҳатлари Россия федерациясида (Тува) Болат-оол, Чочала Кунгаевна (2013 год), Қозоғистонда И.И.Лакоза (1964), Абдикаликова Б.К (2000) қозоқ бактериан туяларида, Туркман дромедар туяларида Т.Мусакараев (1996), Ю.Мирзоянц. (1989), Ўзбекистон Республикасида туялар сут маҳсулдорлиги бўйича Ю.С.Сократьянц, К.И.Тошев, Ф.И.Атақурбанов (2000), туяларнинг сут маҳсулдорлиги уларни сақлаш технологиясига боғлиқлигини, ярим яйлов шароитида сут маҳсулдорлигининг юқори бўлишини С.Т. Ешмуратова (2010 й), ўз илимий ишларида таъкидлайди.

Ҳозирги кунда Республикада туячилик соҳасида насилчилик-селекция ишлари етарли даражада эмас. Туячилик бўйича юқори маҳсулдорли насли туялар линиялари яратилмаган. Аммо ички базорларимизда қимматбаҳо туя сутига, жун маҳсулотларига ва озиқ-овқат саноатида гўшт маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Шу боис, Қорақалпоғистон Республикасининг туячилик учун қўлайли ва мақбул шароитида арзон ва шифобахш туя сутини, қимматбаҳо жун маҳсулотларини ва арзон туя гўшти етиштириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масаласи ҳисобланади. Қорақалпоғистон шароитида туялар маҳсулдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган ФЗ-202002083 «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бир ўрқачли дромедар туяларнинг маҳсулдор подаларини яратиш ва туячилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бир ўрқачли туялар маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир ўрқачли туяларнинг тирик вазни, экстерьер кўрсаткичлари, тана тузилиш индекслари, конституционал хусусиятлари, физиологик кўрсаткичлари ҳамда қоннинг морфологик таркибини аниқлаш;

бир ўрқачли туялар сут маҳсулдорлигини ёши динамикаси, конституцияси, яйлов типларига, елин тузилишига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

бир ўрқачли туялар жун маҳсулдорлигини, жуннинг морфологиясини ҳамда жундорлик коэффициентини аниқлаш;

туялар гўшт маҳсулдорлигини ёшига жинсига, конституциясига боғлиқ ҳолда аниқлаш ва гўшт етиштиришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида бир ўрқачли ҳар-хил жинсли дромедар туялари, ёши динамикаси кесимида маҳсулдорлик кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб сут маҳсулдорлиги, сутнинг кимёвий таркиби, гўшт маҳсулдорлиги, сўйим кўрсаткичлари, ўрқач ҳажми, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, елин тузилиши кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотни бажаришда А.И.Баймуқановнинг “Туяларнинг тирик вазнини аниқлаш бўйича ёш коэффициенти”, экстерьер, тана тузилиш индекслари, сут маҳсулдорлиги, елинининг морфофункционал кўрсаткичлари, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги, жун маҳсулдорлигини аниқлашда зоотехнияда умумий қабул қилинган услублардан, Н.А.Плохинскийнинг «Ўртача арифметик қиймат (X), унинг хатоси (S_x), ўзгарувчанлик коэффициенти (C_v)» усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бир ўрқачли туяларнинг кунлик сут маҳсулдорлиги конституция типи бўйича нозик типда 3732 граммни, мустаҳкам типда 5007 граммни ташкил этиши дағал тип оралиқ ўринда бўлиши аниқланган;

туяларнинг туғим ёши ошган сари уларнинг сут маҳсулдорлиги ошиб бориши бир сутка ҳисобида 3-туғимда 100% деб қабул қилинса, 5-туғимда 55,4 % ни, 7-туғимда 59,5% ни ташкил қилиши аниқланган;

туяларда ўрқач ҳажми ёши кесимида фаркланиб, 3 ёшли она туяларда куз ойларида 37,3; 5 ёшда 38,1; 7 ёшда 39,7 ва 9 ёшда 41,8см³ тенг бўлиши аниқланган;

туяларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича сўйим чикими 3 ёшли туяларда 53,3% ни, 5 ёшли туяларда 53,6% ташкил қилиши, жун қирқими катта ёшдаги (16-20) туяларда 5-10 ёшда 1,0 кг ва 11-15 ёшдагиларга нисбатан 0,5 кг кўп бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бир ўрқачли туяларнинг кунлик сут маҳсулдорлиги конституция типи бўйича нозик типда энг паст, мустаҳкам типда энг юқори ҳамда дағал типда оралиқ ўринда бўлиши аниқланган;

туяларнинг туғим ёши ошган сари уларнинг сут маҳсулдорлиги ошиб бориши бир сутка ҳисобида 3-туғимда, 5-туғимда ҳамда 7-туғимда нисбатан юқори бўлиши аниқланган;

туяларда ўркак ҳажми ёши кесиминда турлича бўлиб, она туяларда йилнинг фасллари кесимида ҳам фарқланиши ҳамда маҳсулдорлигига таъсир этиши аниқланган;

туяларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг ёши кесимида фарқланиши, шу билан биргаликда уларнинг жун қирқими ёши катта бўлгани сари ошиб бориши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор селекция усулларидадан фойдаланилганлиги, махсус тажрибалар натижаларига ҳамда юритилган бирламчи хужжатларга, факультет ва институт апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишончлилик критерийларининг аниқланганлиги, тадқиқот натижалари жорий этиш далолатномалари билан тасдиқлангани ва етакчи илмий ва илмий-оммабоп нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туялар урчитиладиган чўл ва ярим чўл худудларида туячилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг назарий асосларини сезиларли даражада кенгайтиради. Олинган натижалар туя маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда туяларнинг ирсий потенциалидан фойдаланиш усули, бўтолоқлар ўсиш тезлиги салоҳиятидан фойдаланиб туя гўшти ишлаб чиқаришнинг жадал усули, туячиликда ишлаб чиқариш жараёнларини рационал ташкиллаштириш ҳамда туя сути ва жун етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар, зоотехния назариётини маълум даражада бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туячилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг илмий асосланган селекцион ва технологик усуллари маҳсулот сифатини яхшилашни, гўшт, сут, жун ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда маҳсулот бирлигига сарф-ҳаражатларни камайтиришни таъминлайди. Маҳсулдор туя подаларини яратишга замин яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон шароитида бир ўркакчи туяларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

бир ўркакчи дромедар туяларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулдорлик имкониятларини ошириш усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани туячиликка ихтисослашган «Ата-Мура» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 июлдаги 33/04-378-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2021 йил 23 июлдаги 101-сон маълумотномаси). Натижада сут маҳсулдорлиги ўртача бир

бошга 8-10% га, тирик вазни бир бош учун ўртача катта ёшдаги туяларда 20-22 кг га, тивит жун миқдорининг ошиши ҳисобига ҳар бир бош туядан қирқиб олинадиган жун 12-14 минг сўмга ошган;

бир ўрқачли дромедар туяларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулдорлик имкониятларини ошириш усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани туячиликка ихтисослашган «Қонратли ақ нийет» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 июлдаги 33/04-378-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2021 йил 23 июлдаги 101-сон маълумотномаси). Натижада сут маҳсулдорлиги ўртача бир бошга 8-10% га, тирик вазни бир бош учун ўртача катта ёшдаги туяларда 20-22 кг га, тивит жун миқдорининг ошиши ҳисобига ҳар бир бош туядан қирқиб олинадиган жун 12-14 минг сўмга ошган;

бир ўрқачли дромедар туяларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулдорлик имкониятларини ошириш усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Қораузяк тумани «Нуртилек-Қараозек» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 23 июлдаги 33/04-378-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2021 йил 23 июлдаги 101-сон маълумотномаси). Натижада сут маҳсулдорлиги ўртача бир бошга 8-10% га, тирик вазни бир бош учун ўртача катта ёшдаги туяларда 20-22 кг га, тивит жун миқдорининг ошиши ҳисобига ҳар бир бош туядан қирқиб олинадиган жун 12-14 минг сўмга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Қораузяк тумани «Нуртилек-Қараозек» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2018-2020 йй), Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиалининг апробация комиссияси (2018-2020 йй.) томонидан, «Табиий ва умуммутахассислик фанлар» кафедраси илмий кенгаши йиғилишларида (2020-2021 йй.) ҳамда 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та, шу жумладан тавсиянома 1 та, халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 7 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда, илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **“Адабиётлар шархи”** номли биринчи бобида туяларнинг келиб чиқиши, Қорақалпоғистон Республикасида туячиликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳамда туячиликни ривожлантиришда хорижий олимлар тажрибаларига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларининг натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот манзили, манбаи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили ва манбаи, тадқиқот схемаси ва усуллари ёритилган.

Илмий тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2018-2021 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Қораузяк тумани «Нуртилек-Қараозек» фермер хўжалигида, 2020-2021 йилларда Қўнғирот тумани Устюрт ОФЙ га қарашли «Ата-Мура» ва «Қонратли ақ нийет» туячиликка ихтисослашган фермер хўжалигида бажарилган. Тадқиқот объекти сифатида, бир ўрқачли туялари, сут, жун ва гўшт маҳсулотлари танланган. Тадқиқотлар давомида тажрибадаги туяларнинг сут маҳсулдорлиги, елин ўлчамлари, тирик вазни, мутлақ ва нисбий ўсиши, жун маҳсулдорлиги, жуннинг морфологик таркиби, экстерьер ўлчамлари, тана тузулиш индекслари, физиологик ҳолати, қоннинг морфологик таркиби, жундорлик коэффициенти, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Туялар биологик хусусиятлари”** номли учинчи бобида туяларнинг биологик етилувчанглиги, тана ўлчамлари ва индекслари кўрсаткичлари, тирик вазн кўрсаткичлари, мутлоқ ва кунлик ўсиш кўрсаткичлари, конституционал кўрсаткичлари, туяларнинг физиологик кўрсаткичлари келтирилган.

Туяларнинг асосий биологик хусусиятларини тарифловчи кўрсаткичлар уларнинг тана ўлчамлари (экстерьер кўрсаткичлари) бўлиб ҳисобланади.

Бир ўрқачли туяларнинг тана ўлчамлари уларнинг ўсиб-ривожланишини белгиловчи асосий биологик кўрсаткичлардир. Бир ўрқачли туяларнинг тана ўлчамлари ёши кесимида жинс дифференционали қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, эркак ва ўрғочи жинсли туялар орасидаги фарқланиш уларнинг ёши кесимида сақланиб қолган. Бу фарқланиш туғилган даврда 2,9 см бўлган бўлса 5 ёшар даврга

келиб 1,8 см билан фарқланган. Шунини айтиш мумкинки, тана ўлчамларининг яғрин баландлиги кўрсаткичлари бўйича 5 ёшар даврига келиб жинслар уртасида яқинлашиш кузатилади. Тана ўлчамлари кўрсаткичлари бўйича яғрин баландлиги туғилган даврида 100% деб қабул қилинса эркак жинсли 6 ойлик даврида-25,2%-га, 1,5 ёшида эса-42,9%-га, 2,5 ёшида-51,8%-га, 3,5 ёшида-60,3%-га, 5 ёшар даврида эса 69,4%-га ошганини кўриш мумкин.

1-жадвал

Бир ўркакчи туяларнинг тана ўлчамларининг ёши ва жинси бўйича ўзгариши, см

Туялар ёши	жинси	n	Тана ўлчамлари			
			Яғрин баландлиги	Гавда қия узинлиги	Гавда айланаси	Пойча айланаси
Туғилган даврда	♂	14	107,1±0,36	70,8±0,40	82,1±0,48	10,9±0,14
		17	104,2±0,30	68,9±0,34	81,5±0,39	10,4±0,12
6 ойлик даврда	♂	14	134,0±0,56**	94,1±0,51	137,1±0,79	13,9±0,19
		16	130,1±0,48	92,4±0,44	135,1±0,74	13,4±0,16
1,5 ёшда	♂	13	153,3±0,71*	118,4±0,54	164,2±0,71	14,9±0,21
		15	149,5±0,68	114,7±0,49	163,1±0,63	14,6±0,20
2,5 ёшда	♂	12	162,4±0,71*	123,4±0,54	173,1±1,07	17,0±0,42
		14	158,2±0,68	121,8±0,48	170,5±0,91	16,4±0,39
3,5 ёшда	♂	12	171,5±0,78*	141,7±0,91	183,1±1,01	19,1±0,38
		13	168,1±0,62	139,4±0,84	181,7±0,98	18,7±0,34
5 ёшда	♂	10	181,3±0,81*	159,3±1,05	204,1±1,11	19,3±0,27
		11	179,5±0,74	158,5±0,98	202,0±1,07	19,1±0,34

*P<0,001., **P>0,002


Шунга мутаносиб равишда пойча айланаси узунлиги 6 ойлик даврида-27,5 % (P>0,002) га, 1,5 ёшда-36,7% га, 2,5 ёшда-55,9% га, 3,5 ёшда эса-74,4%-га, 5 ёшар даврида эса 75,2% (P<0,001) га кўпайганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар бир ўркакчи туяларнинг зот андозасига мос равишда ўсиб-ривожланишидан далолат беради

Катта ёшдаги туяларнинг тирик вазни асосан эрталабки вақтлари озиклантиришдан олдин платформали тарозиларда ўлчаш амалга оширилади. Лекин бу усулдан хамма вақтда туялар яйлов шароитида сақлангани учун хам фойдаланиб бўлмайди. Тирик вазни аниқлашда бир ўркакчи дромедар туялар учун А.Баймуқанов услубиятидан фойдаланилади. Тажриба маълумотларидан олинган тирик вазн кўрсаткичлари қуйидаги 1-расмда келтирилган.

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, ёш эркак бўталоклар туғилган пайтда 29,1-35,6 кг тебранишда бўлганлигини акс этди.

Бу кўрсаткич жинс дифференциясида фарқланади яъни бу кўрсаткич-ўрта 2,9 кг ташкил қилди. Туяларда асосан 2,5-3,5 ёшгача тирик вазни кўрсаткичлари жадал ошиб борган, яъни бу даврда ўсиб-ривожланиши тезлашади. Тирик вазни бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва олинган

маълумотлар тана ўлчамлари ва индекслари кўрсаткичлари тўлиғича мос келади ва тасдиқлайди.



1-расм. Ёши кесимида тирик вазн кўрсаткичлари

Туяларнинг физиологик кўрсаткичлари асосан ҳайвонларнинг соғлигини назарот қилиш, нормал физиологиянинг амалга ошишини таъминлайди.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда туяларнинг ёши кесимида тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиш тезлиги аниқланиб, бу кўрсаткичлар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Туялар физиологик кўрсаткичларининг ёшига боғлиқлиги

№	Туялар ёши	n	Физиологик кўрсаткичлари		
			Тана ҳарорати, °С	Юрак уриши, мин	Нафас олиши, мин
1	3 ёшли	4	37,9	41	11
2	5 ёшли	4	37,3	39	10
3	7 ёшли	4	36,8	37	9
4	9 ёшли	4	35,4	36	7
5	11 ёшли	3	35,1	35	6

Қуйидаги 2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, туялар ёши кесимида тана ҳарорати фарқланиши кузатилади. 3-ёшли туяларда 37,9⁰С бўлган бўлса, 11 ёшли туяларда 35,1⁰С-га тенгдир ёш туяларда тана ҳарорати бирмунча юқори (2,8⁰С) бўлиши кузатилди. Худди шундай ҳолат юрак уриши ва нафас олишида ҳам кузатилади.

Бу кўрсаткичлар бўйича шунга мутаносиб равишда 6 мин-га ва 5 минутига тенгдир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, туялар ёши улғайиши билан юрак уриши ва нафас олиш тезлиги пасайиши кузатилади.

Қон организмда тўқима суюқлиги ўртасидаги моддалар гармонлар, газлар ва биологик фаол моддаларнинг сувда эриган ҳолдаги алмашинувини таъминлайди.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда бир ўрқачли туяларнинг қони морфологик таркибини аниқлаш натижалари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Қоннинг морфологик таркиби

Ёши	Жинси	n	Кўрсаткичлар		
			Эритроцит млн/мм ³	Лейкоцит минг/мм ³	Гемоглобин г/%
			X±Sx		
3	Эркак	5	12,3±0,13*	10,3±0,37	12,8±0,37
	Урғочи	5	11,9±0,11	10,1±0,32	12,2±0,32
5	Эркак	5	12,1±0,14**	9,8±0,29	12,3±0,21
	Урғочи	5	11,8±0,10	9,6±0,31	12,2±0,19
7	Эркак	5	11,7±0,11**	9,9±0,32	11,9±0,23
	Урғочи	5	11,4±0,09	9,6±0,28	11,4±0,16
9	Эркак	5	11,7±0,10	9,3±0,31	11,3±0,17
	Урғочи	5	11,5±0,07	9,6±0,22	11,1±0,14

*P<0,001., **P>0,10.,

Қуйидаги 3-жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, туялар ёши кесимида қоннинг морфологик таркиби туялар ёши кесимида деярли фарқ кузатилмади. Эритроцитлар 3- ёшли эркак туялар билан 9-ёшли эркак туялар орасидаги фарқланиш 0,6 млн/мм³ (P<0,05) ташкил қилди. Бундай кўрсаткичлар жинси кесимида ҳам кузатилади, яъни эркак туяларда урғочи туяларга нисбатан юқори эканлиги қайд этилди.

Диссертациянинг “Туяларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари” номли тўртинчи бобида туяларнинг сут маҳсулдорлигининг елин тузилишига боғлиқлиги ўрганилди.

Туячилик соҳасида уларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш ва шифобахш сут етиштиришда елин тузилиши аҳамиятли бўлиб, сут етиштиришда косасимон елин тузилишга эга ҳайвонларни саралаш ва насл учун колдириш, эркак ҳайвонларни насл учун селекциялашда косасимон елин тузилишли урғочи туялардан туғилган ҳайвонларни насл учун колдириш мақсадга мувофиқдир (4-жадвал).

Туяларнинг елини ҳажми, см³, (9-ёшли)


Туяларнинг елини жойлашиши	Конституция типлари			
	Дағал (n-13)	Мустахам (n-17)	Нозик (n-9)	Уртача (n-39)
Косасимон:	X±Sx			
Елин айланаси, см	46,3±0,23*	44,5±0,21**	43,6±0,17***	44,8±0,21
Елин узунлиги, см	22,5±0,23***	21,1±0,21*	20,1±0,20***	21,2±0,22
Елин ҳажми, см	1041,7±0,83**	938,9±0,76**	876,4±0,61**	952,3±0,72
Юмолок:	X±Sx			
Елин айланаси, см	44,1±0,23	43,5±0,19	41,6±0,21	43,1±0,24
Елин узунлиги, см	20,4±0,19	20,1±0,17	19,3±0,13	19,9±0,16
Елин ҳажми, см	899,6±0,77	874,3±0,64	802,9±0,51	858,9±0,68

*P<0,001., **P<0,01., ***P<0,02

4-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, барча конституция типдаги ҳайвонларда елин ҳажми косасимон тузилишдаги елинларда юқори бўлган. Косасимон тузилишга эга елинларда ўртача ҳажми $952,3 \pm 0,72$ см –га тенг бўлган бўлса, унда дағал конституция типли ҳайвонларда $+89,4$ см–га кўп, мустаҳкам типга ҳайвонларда эса, $-13,4$ см га кам, нозик типли ҳайвонларда булса $-75,9$ см экани аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, косасимон елин тузилишга эга ҳайвонларда юмолук елин тузилишга эга ҳайвонларга нисбатан елини катта ҳажмли бўлиб, ўртача $93,4$ см-га устунлик қилади.

Косасимон елин тузилишли туялар мисолида ёши кесимида сут маҳсулдорлигининг фарқланишини қуйидаги 2-расмда кўриш мумкин.



2-расм. Косасимон елин тузилишли туяларда ёши кесимида сут маҳсулдорлигининг фарқланиши, 1-ойда/литрда

2-расм маълумотларидан хулоса қилиб айтсак, косасимон елин тузилишга эга бир ўрқачли туяларда 3-туғим ёшидан то 9-туғим ёшигача бўлган даврда сут маҳсулдорлигининг ошиб бориши кузатилади ва 11-туғим ёшидан бошлаб сут маҳсулдорлигининг пасайиши кузатилди. Тажрибадаги туяларнинг сут маҳсулдорлиги 9-туғим ёшида энг юқори кўрсаткич қайд этилган.

Туяларнинг сут маҳсулдорлиги маълум даражада уларнинг конституция типларига бевосита боғлиқдир. Ушбу кўрсаткич бўйича олинган маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Туяларнинг сут маҳсулдорлигининг конституциясига боғлиқлиги

Конституция типлари	Бош сони	Соғиш муддатлари					Жами 1-суткада соғилган сут,г	Жами 1-йда соғилган сут,кг
		1	2	3	4	5		
Нозик тип	4	907 ± 28	846 ± 26	787 ± 24	646 ± 20	546 ± 20	3732 ± 10	111,9
Дағал тип	7	$1203 \pm 24^*$	$1049 \pm 21^*$	$889 \pm 18^{**}$	861 ± 17	878 ± 18	4880 ± 10	146,4
Мустаҳкам тип	6	1230 ± 24	1069 ± 21	$949 \pm 19^{***}$	868 ± 17	891 ± 17	5007 ± 10	150,2

* $P < 0,001$., ** $P < 0,01$., *** $P < 0,05$

5-жадвалда келтирилган таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, барча уч гуруҳда сутнинг энг кўп миқдори биринчи куни эрталабги сутда ва кечки соғим сутда энг кам миқдорда кузатилди. Хайвонларнинг конституция кесимида нозик тип конституцияга эга хайвонларда 3732 ± 10 грамм сут соғиб олинган бўлса, Мустахам типга хайвонлардан 5007 ± 10 грамм сут ($P < 0,05$) соғиб олинган. Дағал типга эга туялар оралиқ ҳолатни эгаллади.

Тажиба давомида Қораўзак туманида асосий чўл ҳудудларидаги саксовулли яйловлар, ярим бўта эфемерли яйловлар ва қишлоқ аҳоли пунктларига бирмунча яқин бўлган янтоқли яйловларда сут маҳсулдорлигини аниқлашда улар орасида маълум даражада фарқланишини кузатдик. Турли яйловларда 1-суткалик соғиб олинган сут кўрсаткичлари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Ҳар хил яйлов типларида сут етиштириш кўрсаткичлари

№	Яйлов шароитдаги гуруҳлар	Сут маҳсулдорлиги					Жами 1-суткада грамм	Жами 1-ойда кг
		1 соғим грамм	2 соғим грамм	3 соғим грамм	4 соғим грамм	5 соғим грамм		
1	Ярим бута эфемерли яйловлар	907	846	787	646	-	3186	95,58
2	Саксовулли яйловлар	1203	1049	889	861	878	4880	146,43
3	Янтоқли яйловлар	1230	1069	949	868	891	5007	150,21

6-жадвалда келтирилган маълумотларда жами сут маҳсулдорлиги биринчи гуруҳдагиларда - 3186 грамм бўлган бўлса, иккинчи ва учунчи гуруҳтагилар шунга мос равишда 5007 ва 4880 граммни ташкил қилган. Энг кўп сут маҳсулдорлик янтоқли яйловларда олинди, яъни ярим бута эфемерли яйловларга нисбатан 1821 грамм ва саксовулли яйловларга 127 грамм кўп сут соғиб олинади.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда туя сутининг кимёвий таркибини натижалари қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Турли ёшдаги туялар сутининг кимёвий таркиби

Сутнинг кимёвий таркиби	Туяларнинг ёши			
	5-ёшли	7-ёшли	9-ёшли	11-ёшли
Сув, %	86,6	86,3	86	85,8
Қуруқ модда, %	13,4	13,7	14	14,2
Ёғ, %	4,5	4,3	4,6	4,8
Оксил, %	3,5	3,6	3,7	3,4
Қанд, %	4,2	4,6	4,3	4,7
Минерал моддалар, %	0,7	0,7	0,7	0,6
С витамини, мг	41,85	40,31	41,07	41,91
В1 витамини, мг	0,66	0,71	0,73	0,69
Нордонлиги, Т	170	169	169	171

7-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, туялар сутнинг кимёвий таркиб бўйича олинган маълумот туялар ёши кесимида катта фарқланиш кузатилмади. Сут ёғи бўйича ёши кесимида тебранишлар 5 ёшдан 9 ёшгача бўлган даврда 0,1% ташкил қилади. Сутнинг кимёвий таркиби энг аввало бу сақлаш, озиклантириш ва йил фаслларида бевосита боғлиқдир. Шуни таъкидлаш жоизки, қўшимча озиклантирилган туяларда оқсил, ёғ ва қанд миқдор юқори бўлиши кузатилади.

Қорақалпоғистон шароитида туя гўшти асосан ички бозорларда фойдаланилади. Шу боис туя гўшtidан фойдаланиш овул жойларда кўпроқ учрайди.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда ҳар-хил ёшдаги туяларни гўшт учун сўйилган маълумотлар қўйидаги 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Хар-хил ёшдаги туяларни гўштга сўйиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Туялар ёши	
		3-ёш (n-4)	5 ёш (n-3)
1	Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	489,5	506,1
2	Нимта оғирлиги, кг	156,7	157,7
3	Нимта чиқими, %	32,01	31,1
4	Ички ёғлар оғирлиги, кг	3,6	3,2
5	Ички ёғ чиқими, %	0,7	0,6
6	Ўркач оғирлиги, кг	27,9	28,8
7	Ўркач ёғи чиқими, %	5,7	5,7
8	Сўйим оғирлиги, кг	261,0	271,3
9	Сўйим чиқими, %	53,3	53,6

8-жадвал маълумотлари таҳлили шундан дарак берадики, сўйим чиқими 3 ёшли туяларда 53,3 % бўлган бўлса, 5-ёшли туяларда 53,6 %-ни ташкил қилган, ўркач ҳар иккала ёшдаги туяларда ҳам тирик вазнга нисбатан-5,7%-га тенг бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон шароитида 3-ёшли туяларни гўшт учун сўйиш иқтисодий самарали натижа бериши исботланган. 3-ёшли туялар гўшти юмшоқ ва сифатли бўлиши билан тавсифланади.

Ўркач баландлиги маълум даражада ҳайвоннинг семизлик даражасини ифодоловчи кўрсаткич ҳисобланади. Шу боис, бу кўрсаткични аниқлашда маълум критерия асосида ҳайвоннинг семизлик даражасини аниқлаш мумкинлиги ўркач кўрсаткичлари асосий омил ҳисобланади. Бизнинг тадқиқот ишларимизда ўркач ҳажмининг бевосита семизлик даражасига боғлиқлиги кўрсаткичлари келтирилган (9-жадвал).

9-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, семизлик даражаси ўркач ҳажмига бевосита боғлиқдир. Бизнинг изланишларимизда ўркач ҳажмини 3-дарага бўлиб, 1500-1800, 1801-2100, 2101-2400 см³ жами 82 бош туяларда ўрганганимизда ўртадан паст семизликда-24,4%, ўрта семизликда-41,4%, ўртадан юқори семизликда-34,1%-га тенг бўлди.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, туяларнинг семизлик даражаси органолептик усулда аниқланар эди. Бу усул чамалаш усули бўлиб, аниқ маълумотга эга бўлиш қийинчилик туғдиради. Ўркач ҳажми асосида

семизлик даражасини аниқлаш бирмунча тўғри усул ҳисобланади. Яъний ишончлилик даражаси 89,6-90,5% ни ташкил қилади.

9-жадвал

Ўрқач ҳажмининг семизлик даражасига боғлиқлиги (n=82 бош)

№	Семизлик даражаси	Туялар бош сони	Ўрқач ҳажми, см ³					
			1500-1800		1801-2100		2101-2400	
			Бош сони	%	Бош сони	%	Бош сони	%
1	Ўртадан паст семизликда	21	19	90,5	2	9,5	-	-
2	Ўрта семизликда	32	1	3,1	29	90,6	2	6,3
3	Ўртадан юқори семизликда	29	-	-	3	10,4	26	89,6
4	Ўртача	82	20	24,4	34	41,4	28	34,1

Туялар жун маҳсулдорлиги. Бизнинг тадқиқот ишларимизда жун маҳсулдорлиги баҳорги қирқимда олиниб, бу кўрсаткичлар қуйидаги 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал


Туялар ёши кесимида жун қирқим кўрсаткичлари

Туялар ёши	Бош сони	Жун маҳсулдорлиги			
		Қирқим, кг		шундан	
		кг	%	руно	ёл
		X± Sx		X± Sx	
5-10 ёш	11	3,9±0,14	100,0	3,06±0,15	0,84±0,05
11-15 ёш	14	4,4±0,21*	112,8	3,51±0,21**	0,89±0,05
16-20 ёш	9	4,9±0,23	125,6	3,91±0,23	0,91±0,05

*P<0,05., **P<0,10

10-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, жун маҳсулдорлиги бир ўрқачли дромедар туяларда 16-20 ёшида намоён бўлади. Агар 5-10 ёшли ёшдаги туялар жун маҳсулдорлиги 100% деб қабул қилинса, 11-15 ёшли туяларнинг жун маҳсулдорлиги 12,8% (P<0,05) га, 16-20 ёшли туяларнинг жун маҳсулдорлиги эса 25,6% га ошганини кўриш мумкин.

Жун морфологик кўрсаткичлар бу енгил саноатда, жунни қайта ишлашда ва таёр маҳсулот таёрлашда энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Жун толаларининг сифат кўрсаткичлари қуйидаги 3-расмда келтирилган.



3-расм. Жун толасининг сифат кўрсаткичлари

3-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, туялар ёш кесимида тивит миқдори камайиб бориши кузатилади. 3 ёшли мустаҳкам типга мансуб урғочи туяларда 87,4% га тенг бўлган бўлса, тенгқурлари нозик ва дағал типдагиларда шунга мутаносиб равишда 86,5 ва 87,2% тенгдир.

Бу кўрсаткич 9 ёшли туяларда мустаҳкам типдагиларда 83,9% га, нозик типдагиларда 84,2% га ва дағал типдагиларда эса 83,2% тенг бўлади. Туялар ёш динамикасида таҳлил қилинадиган бўлса, тивит жуни камайиб бориши, яъни 3 ёшдагиларга нисбатан 4,0% га камайиши кузатилади.

Чорвачилик соҳасида олиб бориладиган ҳар-қандай илмий-тадқиқот изланишлари асосида ташкил қилинган тажриба ишларининг натижаси ўзининг иқтисодий самарадорлиги билан хулоса қилинади ва ушбу кўрсаткич олиб борилаётган тадқиқотнинг самарадорлигини аниқловчи муҳим омил ҳисобланади. Бизнинг тажриба ишларимизда сарф-харажатлар ва ишлаб чиқарилган туячилик маҳсулотларининг сотиш баҳоси шартли ҳисоб-китоби бозор эркин нархлари бўйича амалга оширилди.

Бир ўрқачли туялар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганганимизда сут учун рентабеллик даражаси 3-туғим ёшли туяларда 45,6%, 5- туғим ёшли туяларда 51,4% 7- туғим ёшли туяларда 57,1% , 9- туғим ёшли туяларда 64,7%, 11- туғим ёшли туяларда 53,3%-ни ташкил қилди. Сут маҳсулдорлиги бўйича иқтисодий самарадорлик 9-туғим ёшгача ошиб бориши кузатилди. Жун маҳсулдорлиги бўйича 3- туғим ёшли туяларда рентабеллик даражаси 22,2%-га тенг бўлган булса, 11- туғим ёшли туяларда 49,3% тенг булди. Бундай курсаткичлар туяларнинг 11- туғим ёшида жун маҳсулдорлигининг миқдори ошиб бориши билан тавсифланади. Туя гўшти ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий самарадорлик 3-туғим ёшли туяларда рентабеллик даражаси-31,5% тенг бўлган булса, 5- туғим ёшли туяларда бу кўрсаткич- 36,7% га тенг бўлди, бу кўрсаткич 5,2 % га кўпдир.

ХУЛОСАЛАР

1. Хорижий тажрибалар таҳлили туячилик соҳасини ривожлантиришда туяларнинг сут йўналиши бўйича бир ўрқачли туркман арвана туяларини гомоген чатиштиришни таъкидлайди. Туячилик соҳаси кўпчилик хориж давлатларида улардан олинадиган маҳсулотнинг таннархи арзон сердаромад соҳа сифатида фойдаланилади.

2. Тана ўлчамлари кўрсаткичлари бўйича эркак ва урғочи жинсли туялар орасидаги фарқланиш уларнинг ёши кесимида сақланиб қолган. Тана ўлчамлари кўрсаткичлари бўйича яғрин баландлиги туғилгандаврида 100% деб қабул қилинса эркак жинсли бўталокларда 6 ойлик даврида-25,2% га, 1,5 ёшида эса-42,9% га, 2,5 ёшида 51,8% га, 3,5 ёшида-60,3% га, 5 ёшар даврида эса 69,4% га ошганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар бир ўрқачли туяларнинг зот андозасига мос равишда ўсиб-ривожланишидан далолат беради.

3. Тана индекслари бўйича кенг гавдалик кўрсаткичи туғилган даврда эркак туяларда 75,7% бўлган бўлса, бу кўрсаткич 5 ёшли туяларда 36,8 % га

ошган. Туяларда кенг гавдалик ёши ошган сари ошиб борган. Туяларда асосан ўсиб-ривожланиш кўрсаткичлари 2,5-3,5 ёшгача жадал кечишини кузатиш мумкин.

4. Ёш эркак бўталоклар туғилган пайтда 29,1-35,6 кг оралиғидаги тебранишда бўлганлиги акс этди. Туяларда асосан 2,5-3,5 ёшгача тирик вазни кўрсаткичлари жадал ошиб борган. Тирик вазни бўйича олинган маълумотлар тана ўлчамлари ва индекслари кўрсаткичларига тўлиғича мос келади ва тастиклайди. Ёш туяларни сақлаш ва меъёр даражасида озиклантириш ҳайвонларнинг генетик салоҳиятининг тўлиқ намоён бўлишига асос бўлади ва уларнинг келажакдаги самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

5. Туялар физиологик кўрсаткичлари йил фасллари бўйича фарқланишлар мавжуд бўлиб, тана ҳарароти, юрак уриши, нафас олиш тезлиги ёз фаслларида юқори бўлиши кузатилади. Аксарият бу кўрсаткичларнинг паст бўлиши қиш фаслида кузатилади, яъни бу фаслда тана ҳарароти-1,3⁰С га, юрак уриши 2,0, нафас олиш тезлиги эса-1,2 марта минутга қисқариши кузатилади.

6. Бир ўрқачли туялар қон таркиби бўйича 3 ёшли эркак туяларнинг қанд миқдори 4,6±0,21 га тенг бўлган бўлса, 7 ёшли эркак туяларда бу кўрсаткич 5,2±0,37 га тенг бўлди. Оралиқ ўринни 5 ёшли туялар эгаллади (5,1±0,41). Қон таркибидаги бошқа кўрсаткичларда ёши кесимида деярли фарқланишлар кузатилмади.

7. Бир ўрқачли туяларнинг елин тузилиши уларнинг сут маҳсулдорлигига бевосита боғлиқ бўлиб, барча конституция типга эга ҳайвонларда косасимон елин тузилишга ҳайвонларда юқори эканлиги қайд этилди. Яъни юмолоқ елин тузилишли ҳайвонларга нисбатан бир суткада 0,65 литрга устунлик қилди. Косасимон елин тузилишга эга бир ўрқачли туяларда 3-туғим ёшидан то 9-туғим ёшигача бўлган даврда сут маҳсулдорлигининг ошиб бориши кузатилди ва 11- туғим ёшидан бошлаб сут маҳсулдорлигининг пасайиши қайд этилди.

8. Ҳайвонларнинг конституция кесимида нозик тип конституцияга эга ҳайвонларда 3732±10 грамм сут соғиб олинган бўлса, мустаҳкам типга ҳайвонлардан 5007±10 грамм сут соғиб олинган. Дағал типга эга туялар оралиқ ҳолатни эгаллади. Шу билан бир қаторда туғим ёши ошган сари уларнинг сут маҳсулдорлиги ошиб борган. Жами бир суткада 3-туғим ёшли туялардан соғиб олинган сутни 100 % деб қабул қилинса, 5-туғим ёшли туяларда сут миқдори 55,4% га тенг бўлган бўлса, 5-туғим ёшли туяларда 59,5% ни ташкил қилди.

9. Туяларнинг сут маҳсулдорлиги маълум даражада уларнинг яйлов типларига боғлиқ бўлиб, ҳайвонларни сақлаш усулларига боғлиқ ҳолда, уларни сут маҳсулдорлигини ошириш борасида қўшимча озиклантириш зарурдир. Куз-қиш даврида сут маҳсулдорлиги энг юқори кўрсаткичлар аниқланди. Шундай қилиб, 7-туғим ёшдагилар учун ёз ва куз давлари ўртасидаги фарқ куз даври фойдасига мос равишда 25,9 литр, 5 ва 3- туғим учун 22,1 ва 22,3 литрни ташкил этди.

10. Туялар сутнинг кимёвий таркиб бўйича, туялар ёши кесимида катта фаркланиш кузатилмади. Сут ёғи бўйича ёши кесимида тебранишлар 5 ёшдан 9 ёшгача бўлган даврда 0,1 % ташкил қилди. Сутнинг кимёвий таркиби энг аввало бу сақлаш, озиклантириш ва йил фаслларига бевосита боғлиқдир. Шунини таъкидлаш жоизки, кўшимча озиклантирилган туяларда оксил, ёғ ва қанд миқдор юқори бўлиши кузатилди.

11. Туяларда ўрқач ҳажми йил фасл давомида маълум даражада фаркланиши кузатилди. Энг юқори кўрсаткич барча ёшларда куз ойларида кузатилди. Ёши кесиминда 3 ёшли она туяларда куз ойларида $37,3 \pm 0,31 \text{ см}^3$; 5 ёшли $38,1 \pm 0,34 \text{ см}^3$; 7 ёшли $39,7 \pm 0,37 \text{ см}^3$ ва 9 ёшлиларда $41,8 \pm 0,29 \text{ см}^3$ га тенг эканлиги қайд қилинди. Ўрқач ҳажми маълум даражада ҳайвоннинг семизлик даражасини ифодоловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ўрқач ҳажми бўйича семизлик даражасини аниқлашда 3-ёшдан ошган туяларда фойдаланиш тавсия қилинади. Ўрқач ҳажми асосида семизлик даражасини аниқлаш бирмунча тўғри усул ҳисобланади ва ишончлилиқ даражаси 89,6-90,5% ни ташкил қилади.

12. Туяларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича сўйим чиқими 3 ёшли туяларда 53,3% бўлган бўлса 5 ёшли туяларда 53,6% ташкил қилади. Ўрқач ҳар иккала ёшдаги туяларда тирик вазнга нисбатан 5,7% га тенг бўлади.

13. Туялар жун қирқими кўрсаткичлари бўйича катта ёшдаги (16-20) туяларда жун маҳсулдорлиги 5-10 ёшлиларда ва 11-15 ёшлиларга нисбатан мутаносиб равишда 1,0; 0,5 кг га кўпдир. Жун толасининг чидамлиги бўйича туялар ёши ошган сари чидамлилиқ кўрсаткичи пасайиб бориши кузатилди. Жун толасининг қалинлиги ва узунлиги бўйича ҳайвонлар ёши ва конституцияси бўйича фаркланишлар кузатилди, яъни дағал конституцияли ҳайвонларда жун толаси қалинлиги бўйича мустаҳкам ва нозик типларга нисбатан бироз юқори кўрсаткичга эгадир. Туяларнинг ёши ошган сари тивит жун миқдори камайиб бориши кузатилади, яъни 3 ёшли туяларда тивит миқдори 86,5% бўлган бўлса 9 ёшли туяларда 83,2% га тенг бўлади.

14. Бир ўрқачли туялардан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий (сут, жун ва гўшт) иқтисодий самарадорлиги таҳлили шунини кўрсатадики, маҳсулотлар бўйича иқтисодий самарадорлик туялар ёши кесимида фаркланиши кузатилди. 3-туғим ёшли туяларда умумий рентабеллик даражаси-41,39% га тенг бўлган бўлса, 5- туғим ёшли туяларда умумий рентабеллик даражаси-47,05% га, 7-туғим ёшли туяларда-57,09% га, 9-туғим ёшли туяларда-64,38% ва 11-туғим ёшли туяларда эса-53,28% ни ташкил қилди. Туячилик маҳсулотлари бўйича хулоса қилиб айтсак, 3- туғим ёшли туяларда рентабеллик даражасига нисбатан ёши кесимида 5- туғим ёшлиларда-5,66% га, 7-туғим ёшлиларда-15,76% га, 9-туғим ёшлиларда-22,99% га, 11-туғим ёшлиларда-11,89% га ошганлиги қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ САМАРКАНДСКОГО ИНСТИТУТА
ВЕТЕРИНАРНОГО МЕДИЦИНЫ**

ТЛЕУМУРАТОВ АКИЛБЕК КАНАЛБАЕВИЧ

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПРОДУКТИВНОСТИ ОДНОГОРБЫХ
ВЕРБЛЮДОВ В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКИСТАНА**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx433.

Диссертация выполнена в Нукусском филиале Самаркандского института ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Турганбаев Рузимбай Уразбаевич
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Юсупов Суратбек Юнусович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Ешмуратова Сулухан Тулегеновна
Кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится «10» 12 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. по присуждению ученой степени при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. Мирзо. Улугбека 47. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81) e-mail: uzkarakul30@mail.ru, административное здание Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь, 2 этаж,(конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №214). Адрес: 140154, Самарканд, ул. Мирзо.Улугбека, 47, административное здание института, 1 этаж, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «25» 11 2021 года.
(Протокол реестра № 7 от «25» 11 2021 года)




Н.А.Бобокулов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
доктор с.х.н., профессор


З.С.Кличев
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёной степени,
д.ф.с.-х.н (PhD)


С.Ю. Юсупов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, д.с.-х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире основными странами, занимающимися разведением верблюдов являются Афганистан, Намибия, ЮАР (Южно-Африканская Республика), Австралия, Аргентина, Монголия. В этих странах был проведен ряд научных исследований, направленных на повышение продуктивности верблюдов в определенной степени, улучшение их родословной. Продукция верблюдоводства имеет важную роль в обеспечении продовольственной безопасности, исходя из этого считается актуальным повышение её продуктивности и разработка современных технологий по переработке продукции.

Среди стран СНГ в Республике Казахстан численность верблюдов всех видов составляет 227 тысячи голов¹. Проведена большая работа по увеличению продуктивности верблюдов (молоко, мясо, шерсть). В результате проведённых научных исследований по проявлению потенциала наследственных и продуктивных свойств заметно улучшились их продуктивные качества. При повышении продуктивности верблюдов имеет важное значение учитывать возраст, пол, тип конституции животных и зависимость от типа пастбищ.

В Республике Узбекистан верблюдоводством в основном занимается в северных регионах Кизилкумов в Республики Каракалпакстан. В настоящее время общее количество верблюдов во всех категориях хозяйств Республики Каракалпакстан составляет 5070 голов. Важное значение имеет повышение продуктивности верблюдов и использование их генетический потенциала, создание продуктивных линий, разработка эффективных способов повышения продуктивности. Однако, научно-обоснованных методов селекции по повышению продуктивности отрасли в Республики Каракалпакстан недостаточно. Поэтому необходимо проводить селекционную работу на основе научных исследований. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особое внимание уделяется развитию сельского хозяйства, особенно животноводства, и ставятся задачи по внедрению интенсивных методов производства². В связи с этим большое научное и практическое значение имеют научные исследования, направленные на использование ресурсосберегающих и инновационных технологических методов увеличения производства продукции животноводства.

В законе Республики Узбекистан №165-І «О племенном животноводстве» а также в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 2841 «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве» от 16 марта 2017 года, ПП № 4576 «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой

¹ <https://24.kz/ru/news/economy/item/463253>

² УП-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

отрасли» от 29 января 2020 года а также в соответствующих, касающихся данной отрасли нормативно-правовых документах определены приоритетные задачи развития отрасли и данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению поставленных задач.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: «Сельское хозяйство, биотехнология, экология, охрана окружающей среды».

